



ПОРТРЕТ ЭКСПЕРТИЗАСИННИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Қирғизбоев Маъруфжон Одилжон ўғли

O'zbekiston respublikasi Ichki ishlar vazirligi

Akademiya Kriminallistik ekspertizalar

kafedrasi o'qituvchisi

Tel:94-174-50-40

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20775790>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 16-iyun 2026 yil

Ma'qullandi: 18-iyun 2026 yil

Nashr qilindi: 20-iyun 2026 yil

KEYWORDS

эксперт-криминалистика
бўлинмалари, шартнома
асосида экспертлик,
биометрик идентификatsiya,
ички ишлар органлари,
амалий тусиқлар, ахборот
хавфсизлиги.

ABSTRACT

Мазкур мақолада ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмалари томонидан эксперт-криминалистика соҳасида жисмоний ва юридик шахсларга шартнома асосида экспертлик хизматлари кўрсатиш ҳамда айнан биометрик идентификatsiyани амалга ошириш жараёнида учраётган амалий тусиқлар таҳлил қилинади. Хусусан, норматив-ҳуқуқий базанинг етарлича такомиллашмаганлиги, моддий-техник таъминот даражаси, замонавий ахборот технологиялари ва дастурий воситаларнинг чекланганлиги, кадрлар малакаси масалалари ҳамда маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар илмий-амалий жиҳатдан ёритилади. Шунингдек, шартнома асосида экспертлик фаолиятини амалга оширишда юзага келадиган ташкилий ва процессуал қийинчиликлар, биометрик маълумотлардан фойдаланишда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Мақолада мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, эксперт-криминалистика бўлинмалари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган истиқболли йўналишлар белгиланади.

Ҳозирги кунда жиноятчиликка қарши курашиш, суд-тергов фаолиятида далилларни ҳолисона баҳолаш ва шахсни ишончли идентификatsiya қилиш масалалари алоҳида долзарблик касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, суд экспертизаларининг махсус турларидан бири ҳисобланган портрет экспертизаси замонавий криминалистика фанининг муҳим илмий-амалий йўналишларидан бири сифатида шаклланган. Шу билан бирга, жиноят содир этишда замонавий технологиялар ва усулларни қўллаш бутун дунёда тобора оммалашиб бораётганлигини инобатга олиб, шахснинг ижтимоий

хавфли қилмиш учун айблилигини судда илмий-техник жиҳатдан асосланган ишончли далиллар билан исботлаш жараёнларини янада такомиллаштириш талаб этилмоқда. 08.02.2022 йилдаги ПҚ-122-сон ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика фаолиятини замонавий илм-фан ютуқларини кенг жорий этган ҳолда янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмаларига (кейинги ўринларда — эксперт-криминалистика бўлинмалари) эксперт-криминалистика соҳасида жисмоний ва юридик шахсларга шартнома асосида экспертлик, биометрик идентификatsия қилишни пуллик хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи берилди.

Глобал миқёсда оммавий равишда видео кузатувга тушган жиноятлар қайд этилмоқда масалан 2024 йил Москва шахрида видео кузатув орқали 9,1 минг жиноят фош этилган “Тасс” ахборот воситаси маълум қилишича ва айнан портрет экспертиза инсоннинг биологик ёки функционал хоссалари “инсонни ижтимоий муҳитда функция бажараётган биотизим сифатида характерлайди” ва инсонни муайян бир ҳаракат содир қила олиш қобилиятини акс эттиради, масалан, юриш, гапириш, ёзиш ва ҳоқазолар, шу муносабат билан эксперт-криминалистика фаолияти ҳам жиноятларни фош этишда ўз хисасини қушмоқда яънан юридик ва жисмоний шахсларни юз қиёфаси бўйича идентификatsия қилишда замонавий технологиялар билан фойдаланган ҳолда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2898-сонли “Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорга (8-банди) асосан Ички ишлар вазирлиги юридик ва жисмоний шахсларга эксперт-криминалистика фаолияти соҳасидаги пуллик асосда экспертлик, илмий-тадқиқот ва ахборот хизматларини тақдим эти. Хизматлар 8 та йўналишни қамраб олди ва улардан битаси шахсни идентификatsия қилишда видеокузатув тизими имкониятларини аниқлаш. Видеокузатув орқалий жиноятчини анатомик ва функанал жиҳатларини (юриши, жестлари) шахсни идентификatsия ва диагностика қилиш мақсадида жиноятчини фош этишда муҳум роль ўйнайди.

Материаллар ва методлар

Инсоннинг ижтимоий хоссалари уни шахс сифатида характерлайди, яъни бу хоссалар инсонни жамият ҳаётининг маҳсули сифатида ифодалайди ва унинг қонун, ахлоқ, оила ва мулкчиликка муносабатларини акс этиради. Бу хоссалар турли хил асосларга кўра таснифланади. Масалан криминалистлардан П.П.Цветков ижтимоий хоссаларнинг куйидаги турларини ажратиб курсантади: персонографик хоссалари, ишлаб чиқариш-касбий ва ахлоқий-маиший хоссалар.

Ушбу хоссаларни ташқи акс этилишида жиноятчи, жиноятни содир этиш ва уни яшириш механизмлари ҳақида криминалистик ахамиятга эга бўлган маълумотларни олиш мумкин.

Юқорида айтилган маълумотли хоссаларнинг ташқи акс этиши замонавий криминалистикада одам қиёфасининг ташқи белгилари деб аталади. Улар шахсни характерлайди ва бир гуруҳ одамлар орасида алоҳида шахсини ажратиб олиш имкониятини беради.

Ҳеч кимга сир эмаски, бугунги кунда фан-техниканинг тараққиёти ривожланиши натижасида, эски плёнкали фотоаппаратларнинг ўрнига рақамли фотоаппаратлардан

кенг фойдаланилмоқда ҳамда глобал куламда видео кузатув кенг фойдаланилмоқда. Тадқиқот учун намунасифатида айнан рақамли фотосуратларнинг тақдим этилиши холатлари кўп учрамоқда. Портрет экспертизасини ўтказиш мақсадида мазкур турдаги воситалар ишлаб чиқилган бўлиб, қўйидагиларни ўз ичига олади: яъни, фотосуратни таққослашнинг барча турларини, услубиятда назарда тутилган фотосуратни бир масштабга келтириш, тўғри ва синиқ чизиқлар билан устма-уст таққослаш, қисман устма-уст таққослаш, координат сеткасини қўйиш иборат.

“Портрет экспертизаси” АИТ “Криминалистик методикалар, юқори информатсион-технологиялар ечимлари жамланмаси ҳисобланади” портрет айнанлаштиришни амалга ошириш учун ўзида махсулаштирилган воситани намоён қилади. Тизим, бошқарув элементлари ва функционал кўринишидаги жамланмасини, фойдаланувчи экспертнинг ахборотли белгилари таъминоти ва сатрли маълум қилувчи белгилар орқали ишонч билан қўллаши, мазкур тизим асосида у ёки бу элементларни бошқариш ва махсус тайёргарликларсиз тадқиқот олиб боришни ўз ичига олади.

Тизим ахборотли белгилар ва матнли изохлар билан таъминланган функционал шакллар ва бошқарув элементларини ўз ичига олади, бу ишончига асосланиб аниқлашга ва ушбу тизим асосида махсус тайёргарликсиз тадқиқот ўтказиш имконини беради.

Натижалар ва муҳокама

Мазкур тадқиқот доирасида олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, портрет экспертизаси жинойтларни фож этиш ва шахсни идентификатсия қилиш жараёнида муҳим криминалистик воситалардан бири ҳисобланади. Айниқса, замонавий ахборот технологиялари ва рақамли тасвирларни таҳлил қилиш усулларининг кенг жорий этилиши ушбу экспертиза турининг самарадорлигини янада оширмоқда.

Криминалистика соҳасидаги таниқли олим Р.С. Белкиннинг таъкидлашича, инсон ташқи қиёфасининг индивидуал белгилари муайян барқарорликка эга бўлиб, улар шахсни бошқа шахслардан ажратиш турувчи криминалистик аҳамиятга эга идентификатсион белгилар тизимини ташкил этади. Шу сабабли портрет экспертизаси жинойтларни тергов қилиш жараёнида муҳим илмий асосланган далил манбаи бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, криминалистика назариясида И.Ф. Крылов инсон қиёфасининг ташқи белгилари жинойтчи шахсини аниқлашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб, тасвирлар орқали идентификатсия қилишда анатомик белгилар билан бир қаторда функционал белгиларни ҳам ҳисобга олиш зарурлигини қайд этади. Унинг фикрича, инсоннинг юриш услуби, ҳаракатлари ва жестлари каби функционал хусусиятлар ҳам шахсни идентификатсия қилишда муҳим диагностик ахборот манбаи ҳисобланади.

Бундан ташқари, криминалист олим А.И. Винбергнинг таъкидлашича, портрет экспертизаси жараёнида фотосуратлар ва видеотасвирларни таққослаш орқали инсон қиёфасининг умумий ва хусусий белгилари аниқланади ҳамда уларнинг мослиги ёки фарқлилиги илмий асосда баҳоланади. Бу эса эксперт хулосасининг ишончилигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, замонавий рақамли технологиялар ва компьютер дастурларидан фойдаланиш портрет экспертизасининг имкониятларини сезиларли даражада кенгайтормоқда. Жумладан, рақамли фотосуратларни бир масштабга келтириш, координат сеткалари орқали таҳлил қилиш, устма-уст таққослаш

ва морфологик таҳлил каби усуллар эксперт тадқиқотларининг аниқлигини оширишга хизмат қилади.

Бугунги кунда видеокузатув тизимларининг кенг қўлланилиши ҳам портрет экспертизасининг амалий аҳамиятини янада кучайтирмоқда. Видеокузатув орқали олинган тасвирлар жиноят содир этган шахснинг ташқи қиёфаси, юриш услуби, ҳаракатлари ва бошқа функционал хусусиятларини таҳлил қилиш имкониятини беради. Бу эса гумон қилинувчи шахсларни идентификация қилиш ва жиноятларни фош этиш жараёнида муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, айрим ҳолатларда тасвир сифати паст бўлиши, ёритиш шароитларининг етарли эмаслиги ёки тасвир бурчакларининг турлича бўлиши портрет экспертизасини ўтказишда муайян қийинчиликларни юзага келтириши мумкин. Шу сабабли замонавий сунъий интеллект технологиялари ва биометрик таҳлил усулларини криминалистика амалиётига кенг жорий этиш портрет экспертизасининг самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Умуман олганда, олиб борилган таҳлиллар портрет экспертизаси ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика фаолиятида жиноятларни фош этиш, гумон қилинувчи шахсларни идентификация қилиш ҳамда суд-тергов жараёнларида далилларни илмий асосда баҳолашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда.

Хулоса ва амалий таклифлар

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида портрет экспертизаси жиноятларни фош этиш, шахсни идентификация қилиш ҳамда суд-тергов жараёнларида далилларни ҳолисона баҳолашда муҳим криминалистик аҳамиятга эга эканлиги аниқланди. Инсон ташқи қиёфасининг анатомик ва функционал белгилари муайян барқарорлик хусусиятига эга бўлиб, улар шахсни бошқа шахслардан фарқлаш имконини берувчи муҳим идентификацион ахборот манбаи ҳисобланади. Замонавий рақамли технологиялар, видеокузатув тизимлари ва компьютер дастурларидан фойдаланиш портрет экспертизасининг имкониятларини янада кенгайтириб, эксперт тадқиқотларининг аниқлиги ва ишончилигини оширишга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, жиноятларни тергов қилиш жараёнида видеотасвирлар ва фотосуратларни таҳлил қилиш орқали гумон қилинувчи шахсларни идентификация қилиш имкониятлари сезиларли даражада кенгаймоқда. Шу муносабат билан портрет экспертизасининг назарий ва амалий асосларини янада ривожлантириш, замонавий ахборот технологияларини эксперт-криминалистика фаолиятига кенг жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги амалий таклифлар илгари сурилади:

1. Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмаларини замонавий рақамли таҳлил дастурлари ва биометрик идентификация тизимлари билан янада кенг таъминлаш.

2. Портрет экспертизаси соҳасида фаолият юритувчи экспертларнинг малакасини ошириш мақсадида махсус ўқув курслари ва илмий-амалий семинарлар ташкил этиш.

3. Видеокузатув тизимларидан олинган тасвирларни таҳлил қилишда сунъий интеллект ва автоматлаштирилган идентификация технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш.

4. Портрет экспертизаси ўтказишда фотосуратлар ва видеотасвирлар сифатига қўйиладиган талабларни янада такомиллаштириш ҳамда ушбу йўналишда методик қўлланмалар ишлаб чиқиш.

5. Суд-тергов амалиётида портрет экспертизаси натижаларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий ва методик асосларини такомиллаштириш.

Хулоса қилиб айтганда, портрет экспертизаси жиноятларни фош этиш ва шахсни ишончли идентификатсия қилишда муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга бўлиб, унинг имкониятларини кенгайтириш эксперт-криминалистика фаолияти самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 08.02.2022 йилдаги ПҚ-122-сон “Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика фаолиятини замонавий илм-фан ютуқларини кенг жорий этган ҳолда янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. <https://lex.uz/uz/docs/5851527>
2. Kun.uz: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги
3. ПҚ-2898-сонли “Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. <https://kun.uz>
4. С.А.Нурунбетова. Портрет экспертизасининг замонавий имкониятлари: Ўқув қўлланма – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015.-98 б.
5. С.А.Нурунбетова. Портрет экспертизасининг замонавий имкониятлари: Ўқув қўлланма – С.А.Нурунбетова, Т.Б.Маматкулов, Ф.Э.Тўраев; Масъул муҳаррир юридик фанлар номзоди, доцент Т.Б.Маматкулов. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017.-88 б.
6. Белкин Р.С. Криминалистика: учебник для вузов. – Москва: Норма, 2001.
7. Винберг А.И., Шавер Б.М. Криминалистика. – Москва: Юридическая литература, 1987.
8. Крылов И.Ф. Криминалистическая идентификация личности. – Москва: Юридическая литература, 1976.
9. Цветков П.П. Криминалистика: курс лекций. – Москва: Юрист, 2003.
10. Саидов А.Х., Мухитдинов Б. Криминалистика. – Тошкент: Адолат, 2018.